

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқукида

УДК: 336.14(575.1)

ПАРДАЕВ УМИДЖОН УРАЛОВИЧ

**ЎРТА МУДДАТЛИ ИСТИҚБОЛДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ
ДАРОМАДЛАРИНИ ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ВА РЕЖАЛАШТИРИШ
МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07-Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc)

илмий даражасини олиш учун тайёрланган

ДИССЕРТАЦИЯ ИШИ

Илмий маслаҳатчи: Олимжонов Одил Олимович

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Тошкент-2025 йил

М У Н Д А Р И Ж А

	бет
КИРИШ	3
I БОБ. ЎРТА МУДДАТЛИ ИСТИҚБОЛДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИ ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ВА РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ	16-74
1.1. Ўрта муддатли истиқболга мўлжалланган давлат бюджети даромадларини прогнозлаштириш ва режалаштиришнинг назарий-услубий жиҳатлари	16
1.2. Ўрта муддатли истиқболда давлат бюджети даромадларини прогнозлаштириш ва режалаштиришда солиқ мамуриятчилигини ташкилий-хуқуқий асослари ..	44
1.3. Давлат бюджети даромадларини режалаштириш ва прогнозлаштириш юзасидан илғор хорижий тажриба ва ундан Ўзбекистонда фойдаланиш истиқболлари	62
Биринчи боб бўйича хулосалар	73
II БОБ. ЎРТА МУДДАТЛИ ИСТИҚБОЛДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИНИ ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ВА РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ЖИҲАТЛАРИ	75-119
2.1. Давлат бюджети даромадларини ўрта муддатли истиқболда режалаштириш ва прогнозлаштириш ўзига хос хусусиятлари	75
2.2. Ўрта муддатли истиқболда давлат бюджети даромадларини прогнозлаштириш ва режалаштиришда ўзаро таъсир этувчи омиллар таҳлили	82
2.3. Давлат бюджети даромадларини режалаштириш ва прогнозлаштиришга солиқ потенциалининг таъсирининг таҳлили	91
Иккинчи боб бўйича хулосалар	117

III БОБ.	ЎРТА МУДДАТЛИ ИСТИҚБОЛДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИНИ ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ВА РЕЖАЛАШТИРИШ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ	119- 168
3.1.	Давлат бюджети даромадларини прогностлаштиришдаги хатоликларни баҳолаш услублари	119
3.2.	Давлат бюджети даромадларини прогностлаштиришда макроиктисодий ва ҳудудий кўрсаткичлардан фойдаланиш усуллари	132
3.3.	Давлат бюджети даромадларини ҳудудлар ижтимоий- иктисодий тараққиёти билан ўзаро алоқадорлиги асосида прогностлаштириш методологиясидан фойдаланиш йўналишлари	150
	Учинчи боб бўйича хулосалар	166
IV БОБ.	ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ МОЛИЯСИНИ БОШҚАРИШНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИНИ ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ВА РЕЖАЛАШТИРИШ УСЛУБИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ	169- 231
4.1.	Ўрта муддатли истиқболда давлат бюджети даромадлари прогностлаштириш ва режалаштиришнинг услубий асосларини такомиллаштириш	169
4.2.	Ўзбекистонда давлат бюджетини ўрта муддатли режалаштириш орқали натижага йўналтирилган бюджетлаштиришни ташкил этиш концепцияси	204
4.3.	Ўзбекистонда “бюджет очиклиги индекси” (open budget index) орқали давлат молиявий шаффофлигини таъминлаш ва бюджет даромадларини прогностлаштириш методологиясини такомиллаштириш йўллари	218
	Тўртинчи боб бўйича хулосалар	231
	ХУЛОСА	233
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	238

Кириш

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ўрта муддатли истикболда иқтисодий субъектлар тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашни янада мустаҳкамлаш, аҳолини ижтимоий неъматлар билан таъминлашни узлуксиз молиялаштиришда давлат бюджети даромадларини прогнозлаштириш ва режалаштиришдаги ноаниқлик ҳамда хатоликларни камайтириш орқали такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Жаҳон банкининг ҳисоботида келтирилишича «2022 йилда глобал иқтисодий ўсиш 2021 йилдаги 6,0 фоиздан 3,2 фоизга, 2023 йилда 2,7 фоизгача секинлашиши ... молиявий барқарорликни таъминлаш учун давлат бюджети прогнозига эҳтиёткорлик билан ёндашиш зарурлигини ... 2023 йилда 6,5 фоизга ва 2024 йилда 4,1 фоизда инфляциянинг юқори даражада сақланиб қолиши бюджет даромадлари прогнозида ноаниқликларни ошириши ва молиявий сиёсатнинг қатъийлигини сақлаш заруратини юзага келтиради»¹. Барқарор иқтисодий ўсишга эришишда ўрта муддатли давлат бюджети даромадларини янада аниқ ва ишончли прогнозлаштириш, аҳолининг турмуш фаровонлиги, макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияни жалб қилиш салмоғининг ўрта муддатли давлат бюджети прогнозлари натижалари билан ўзаро алоқадорлигини баҳолаб боришни тақозо этмоқда.

Жаҳонда ўрта муддатли давлат бюджети даромадларини прогнозлаштириш ва режалаштиришда ва статистик моделлар, макроиқтисодий таҳлиллар ва ҳисоб-китоб усулларини такомиллаштириб бориш, давлат бюджети даромадлари прогноз ва режа кўрсаткичларини ишлаб чиқишда норматив-ҳуқуқий асослар, бюджет-солиқ сиёсати ва инфляция каби иқтисодий омилларни ҳисобга олиш, давлат бюджети даромадлари прогнозининг аниқлигини оширишда бир неча параметрларни ҳисобга

¹ [International Monetary Fund](https://www.imf.org/en/Publications/WEO/Issues/2022/10/11/world-economic-outlook-october-2022), 2022. [World Economic Outlook: Countering the Cost-of-Living Crisis](https://www.imf.org/en/Publications/WEO/Issues/2022/10/11/world-economic-outlook-october-2022). Washington, DC. <https://www.imf.org/en/Publications/WEO/Issues/2022/10/11/world-economic-outlook-october-2022>